

# ТЕЗКОР МАТБААЧИЛИК – ДАВР ТАЛАБИ



**Фаррух Мусаев,**  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонасининг  
Нашриёт-матбаа  
хизмати раҳбари


**И**шлаб чиқариш корхоналари, ахборот-кутубхона муассасалари, олий ўқув юртлари, давлат ташкилотларини бевосита нашриёт-матбаа соҳаси билан боғлиқ ҳолда кўрамиз. Матбачилик соҳасида ҳам технологик янгиланишлар жараёни юз бермоқда. Кутубхона қадимдан ижтимоий, маънавий-маърифий маскан ҳисобланиб, унда инсоният жамиятида сақланган билимларни асрлар давомида авлоддан-авлодга етказиб келмоқда. Айти даврда кутубхоначилик соҳаси бир неча минг йиллик жаҳон тарихи манбаларини ҳозирги замон маданиятига етказиб беришда ўз ҳиссасини кўшмоқда.

Бугунги кунда босма нашр, электрон ва мультимедиа маҳсулотларни суръат кўрсаткичлар тезлиги, шубҳасиз, навигацион ахборот-кутубхона муассасалари роли ўсишида ҳам кузатилмоқда. Шунга қарамасдан, замонавий кутубхоначилик фаолияти ўз фондларида ахборот манбаларни тўplashдан ташқари, фойдаланувчиларга керакли ахборот манбаларини тарқатиш ҳам муҳим вазифаларга киради. Нашриёт-матбаа соҳаси кутуб-

хоначилик тузилмаси йўналишида ўз ўрнини эгаллаган хизматлардан фойдаланиб, белгиланган тартибда барча хилдаги босма маҳсулотларни чоп этиш билан шуғулланади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси 2012 йили курилиб фойдаланишга топширилиши муносабати билан барча технологик ускуналарни янгилаш билан бир қаторда, нашриёт-матбаа техникаларини янгилаш вазифаси ҳам топширилган эди. Бундай вазифаларни бажаришдан асосий мақсад Миллий кутубхонага ташриф буюрадиган фойдаланувчиларга қулайлик яратишдан иборат, яъни яроқсиз ҳолга келган барча босма нашрларни таъмирлаб дастлабки ҳолатига қайтариш, тўқислаш хизматига келтирилган даврий нашрлардан газета ва журнал тўпламлари муқоваланиб, китоб сақлаш архивларига топшириш ишлари амалга оширилади. Ўз навбатида, бажариладиган технологик операцияларни сифатли амалга ошириш учун энг замонавий техник дастгоҳлар билан жиҳозлаш кўзда тутилди ва ўрнатиш ишлари бажарилди. Технологик жиҳозларни танлашда, биринчи навбатда, Миллий кутубхонанинг ички эҳтиёжларини қоплаш билан чекланмасдан, балки мамлакат ҳудудида жойлашган ахборот-ресурс марказлари ҳамда ахборот-кутубхона марказларига босма нашрларни етказиб бериш ҳам белгиланган вазифаларга киради.

Нашриёт-матбаа фаолияти кенг қамровли бўлиб, ундаги технологик дастгоҳлар китоб ва журналларни юқори даражада сифатли чоп этишга ихтисослаштирилган ва ҳар ойда ўртача ўнга яқин кутубхоначиликка оид библиографик кўрсаткичлар, услубий кўланмалар, илмий монографиялар, ахборот бюллетенлари, жамланган каталоглар, конференция мақолалар тўплами тайёрланиб чоп этиш имкониятлари мавжуд. Матбачилик соҳасининг энг асосий босқичи босма ма-





шиналарда кўп миқдорда нусха кўчириш ҳисобланади. Шу сабабли, Японияда ишлаб чиқарилган модели «Ryobi 524GH» русумли 4 секцияли, формат ўлчами 350x500 мм, зичлиги 50-300 гр/м<sup>2</sup> қозғоқ маҳсулотини соатига 8000 нусха кўчириш дастгоҳи ўрнатилиши билан бир қаторда, юқори сифатли рангли офсет усулида босма маҳсулот ишлаб чиқаришга эга бўлинди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида китобхонларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида, бўлимлар фаолиятини ва мунтазам равишда ўтказиладиган тадбирларни акс эттирувчи тарқатма материаллар чоп этиш ҳам нашриёт-матбаа бўлимида янгича оператив усулда хизмат кўрсатишни белгилаб беради. Юқорида келтирилган вазибаларни бажариш учун Японияда ишлаб чиқарилган модели «Konica Minolta 7000C» русумли, рақам билан бошқариладиган оператив босма дастгоҳи формат ўлчами 330x465 мм, зичлиги 70-300 гр/м<sup>2</sup> қозғоқ маҳсулотини дақиқасига 25 нусхада икки томонлама рангли плакат, буклет, флаер, календарлар босиш имконияти эга. Қозғоқ маҳсулотига босиш жараёни тугаллангандан кейинги босқичда йиғиш ва муқовалаш ишлари бажарилади, булар учун эса, Италияда ишлаб чиқарилган «Zechini» русумли муқовалаш линияси ўрнатилган. Бу линиянинг асосий вазибаси муқоваловчи картонларни қирқиш, елим суртиш, клапанларни буклаш, муқовани текислаш, китоб блокчини ўрнатиш, «штриховка», пресс ва китоб юзаси-

ни жилвирлаш технологик операцияларини бажарувчи дастгоҳлар бўлиб, юқорида келтирилган маълумотлардаги, яъни яроқсиз ҳолдаги китобларни тиклаш ва даврий нашрлардан газета ва журналлар муқовалашдаги ишларини сифатли бажариш учун кенг қўлланилади. Ундан ташқари, китоб нашрларини йиғиш ишлари амалга оширилгандан кейинги босқичда, китоб блокларини ип билан тикиш операциясини Хитойда ишлаб чиқарилган «PurLux SXB430» русумли 6 позицияга эга бўлган ярим автоматли дастгоҳ ўрнатилди. Сунги босқичда китоб ва журналларни уч томонлама қирқиш учун Германияда ишлаб чиқарилган замонавий моделдаги Perfecta 760 русумли дастгоҳи 15-дюймли рангли сенсор дисплей билан жиҳозланган бўлиб, бошқаришда керакли ўлчамга топширик берилади ва хотирада сақлаб қолинади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган технологик дастгоҳлар комплекси сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан кутубхонадаги нашриёт-матбаа хизмати мустақамлигини таъминлайди. Бундан ташқари, соҳа мутахассислари ўз малакаларини мунтазам равишда тақомиллаштириб, янги техник стандартлар, манбалардан фойдаланиб, шахсий иш тажрибаларида қўлламоқдалар. Кутубхоначилик соҳаси ривожланишида ва ишлаб чиқариш базасини шакллантириш ва маданий меросларимизни республикамиз миқёсида замонавий ахборотлар билан бойитиш олдимизда турган вазибалардан биридир.

Офсет усулидаги «RYOBI 524GH» 4 секцияли дастгоҳи воситасида қозғоқ маҳсулотларини соатига 8000 нусхада рангли чоп этиш имкони яратилди

«KONICA MINOLTA 7000C» русумли рақам билан бошқариладиган оператив босма дастгоҳи дақиқасига 25 нусхада икки томонлама рангли матбаа маҳсулотларини босиш имкониятига эга

**Фаррух Мусаев, руководитель издательско-полиграфической службы Национальной библиотеки Узбекистана**

*В современном обществе наблюдается увеличение темпов роста печатных изданий, электронных и мультимедийных продуктов, что усиливает роль библиотеки как информационного навигатора. В структуре современной библиотеки развиваются и новые направления деятельности, в частности издательско-полиграфическое.*

*В статье рассмотрены вопросы модернизации полиграфической базы Национальной библиотеки Узбекистана, позволяющей оптимизировать и повысить возможности библиотеки по созданию социальной значимой интеллектуальной продукции, которая в перспективе становится частью культурно-информационного пространства республики. ■*